

Қалб қандай рўза тутиши мумкин?

05:00 / 14.01.2017 3713

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

نَبَاغَتِ الْجَا {11} مِيْلَعِ عَيْشٍ لِّكَبُّهُ لَلْأَوْهَبِ لَقَدْ هَيَّءَ لَلْأَبْنِ مِؤْمِنِي نَمَو

“Кимки имон келтирса, у унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қилур. Аллоҳ ҳар нарсани билувчидир”. (Тағобун: 11)

Қалбнинг ҳидоятланиши бу барча ҳидоятнинг пойдевори, барча муваффақиятнинг асоси, барча умрнинг таянчи ҳамда барча ишнинг негизи ҳисобланади.

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадиснинг охирида: Набий алайҳис салом:

دَسَفٌ تَدَسَفٌ إِذْ وَأُوهُ لَكُ دَسَجَلٌ حَلَصٌ حَلَصٌ إِذْ إِغْضُمُ دَسَجَلٌ يَفٌ نِإِ وَالْأَبْنِ مِؤْمِنِي نَمَو

“Огоҳ бўлинглар! Ҳамманинг жисмида бир бўлак гўшт бўлади. Агар у салоҳиятли бўлса, бутун жасад салоҳиятли бўлади. Агар у фасод (айниса, яроқсиз) бўлиб қолса, бутун жасад фасодли бўлади. Огоҳ бўлинг у қалбдир”, дедилар.

Қалбингизни салоҳиятли бўлиши бу дунё ва охирада сизнинг саодатингиздир. Унинг фасод бўлиши аниқ ҳалокат бўлиб, унинг қай даражада ҳалокатга юз тутишини ёлғиз Аллоҳ билади. Аллоҳ таоло айтади:

(37) دِيْهَشَ وَهَوَ غَمٌّ سَلَا قَوْلُ أَوْ أَبْلَقُ هَلْ نَأْكُ نَمَلٌ يَرْكُدَلْ لَدِيْ نِإِ

“Албатта, бунда (ўйғоқ) қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлиб, қулоқ тутган киши учун еслатма бордир”. (Қоф:37)

Барча махлуқнинг ёлғиз қалби бўлади. Лекин у икки хилдир.

1. Нур ила уриб турувчи, иймон ила ёришадиган, ишончга тўла ҳамда тақво ила тирик қалб.
2. Ўлик, бутунлай сўнган, унда барча харобалик, ҳалокатлик бор бўлган касал қалб.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло имондан юз ўгирувчиларнинг қалблари ҳақида бир оятда қуйидаги мазмунда марҳамат қилади:

10) ةرِقَبَلَا اَصْرَمُ ؕ لَلْاُمُّ دَاۤرِفُضْرَم مَوْبُوْلُقِ يَف

“Уларнинг дилларида хасталик (шубҳа ва кибр касали) бор. Аллоҳ уларга (шу) хасталикни зиёда қилди”. (Бақара: 10)

Яна бошқа бир ояти каримада Аллоҳ таоло шундай дейди:

**(.نُونُ مَوْيْ اَمَّ اَلْيَلَقَف مَوْرَفُكَب هَلَل اْمُهَنَعَلْ لَبُ فُلْعُ اُنْبُوْلُقِ اُولَاوِ)
88) ةيَاَلَا : ةرِقَبَلَا ةروس)**

"Қалбларимиз (ислом учун) берк", - дейдилар. Йўқ, балки куфрлари сабабли уларни Аллоҳ лаънатлаган. Бинобарин, уларнинг озчилик қисмигина имон келтирадилар. (Бақара: 88)

Аллоҳ таоло айтади:

24) دَمَحْم) اءَلَا فُقَاِبُوْلُقِ يَلَعْمُ اَنَارُقُلَا نُوْرَبَدَتِي اَلَفَا

يَبَأُ عَنْ شَمْعِ أَلِ نَع صَوْحِ أَلِ وَبَأُ أَنْ تَدْحَ لِقَ عِيْبِ رَلِ نَبْ نَسْحِ لِ أَنْ تَدْحَ
مَلْسِ وَ هِيْلَعِ لَلِ صِلْ صِيْبِنِ لِ نَاكَ : لِقَ سِنَأُ نَع دِيْزِيْ وَ نَايْفِسِ
كَنْ دِيْلَعِ يَبْلِقُ تَبْتُ بَوْلِقِ لِقَ بَلْقَمِ أَي مَهْلِلِ لِقِ وَ نَأْ رَثْ كِيْ

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй қалбларни айлантирувчи Зот, қалбимни Ўз динингда собит қил”, деб кўп дуо қилардилар”. (Имом Бухорий ривояти).

Мўминнинг қалби нафақат рамазон ойида балки, бошқа ойларда ҳам рўза тутади. Қалб қандай рўза тутиши мумкин?..

Қалбнинг рўза тутиши бу қалбнинг ҳалок қилувчи ширк амаллардан, бузуқ эътиқоддан, ёмон васвасадан, ёвуз, жирканчли ниятлардан ҳамда ғамга ботган лаҳзалардан фориғ бўлишидир.

Мўминнинг қалби доимо Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат ила тирик туради. Аллоҳ таоло Қуръони каримда қандай Ўзини сифатлаган бўлса, бу қалб Роббисини, худди шундай исми-сифатлари билан танийди. Бу қалб ақл кўзи билан Роббисининг исми-сифатлари сатрларини, Аллоҳ таолонинг бу борлиқдаги қудрати саҳифаларини мутолаа қилади. Ҳамда Ул зотнинг махлуқотларни яратиши борасидаги дафтарларни ўқийди.

Мўминнинг қалбида зулматлик қолдирмайдиган ёрқин нури бўлади. Бу нур пайғамбардан, самовий таълимотлардан ҳамда раббоний шарияъатдан бўлган нурдир. Ушбу нур Аллоҳ таоло бандасига ато қилган фитрат нурига қўшилиш натижасида иккита улкан нурга айланади. Қуръони каримда ушбу мазмунда оят бор:

سَأْنَلَلِ لَآئِمٌ أَلِ هُ لَلِ بَرُضِيْ وَ ءَأَشِيْ نَمُ وَ رُوْنُ لُ هُ لَلِ أَيْ ذَهِيْ رُوْنُ عِلْعِ رُوْنُ
رُونِ لَ {35} مُيْلَعِ عِيْ شَلْ كُبُ هُ لَلِ وَ

“Нур устига нур (бўлур). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) масалларни келтирур. Аллоҳ барча нарсани билувчидир”. (Нур: 35).

Мўминнинг қалби чироқ каби чарақлайди, қуёш каби нур сочади, тонг каби ярақлайди.

Мўмин қалбининг Қуръони каримни эшитиши ила имон нури, тафаккур қилиши ила ишончи ҳамда атроф-муҳитга ибрат назари билан боқиши ила ҳидояти зиёдалашади.

Мўминнинг қалби кибр қилишдан рўза тутади. Чунки кибр - қалб рўзасини бузади. Шунинг учун ҳам кибр мўминнинг қалбидан жой олмайди. Чунки у ҳаромдир. Аслида эса кибрнинг манзил қилиб оладиган жойи қалб ҳисобланади. Мабодо кибр қалбдан жой олса, бу қалб эгаси эси паст аҳмоққа, ваҳший ҳайвонга айланади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай дейди:

أَدْحَاوِيْنَ عَزَانٌ نَّمَفٌ رَارَا إِمَطْعَلْ أَوْ إِئِدْرُءَايَرْبِ كَلِّ الْجَوِّ وَ زَعُ الْجَلِّ لَأَقِ
رَأْنَلْا يَفُ هُتَفَدَقْ أَمْ هُنَم

“Кибрлилик менинг ридомдир. Улуғворлик менинг изоримдир. Ким шулардан бирортасини мендан тортиб олмоқчи бўлса, уни жаҳаннамга улоқтираман”.

Мўминнинг қалби ужубдан рўза тутади. Ужуб – инсон ўз нафсини комил бўлди деб тасаввур қилиши, ўзини бошқалардан афзал кўриши ва ўзида бошқаларда бўлмаган яхшиликлар бор деб ўйлаши. Бу эса айни ҳалокатнинг ўзидир. Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

تَاكْلَهُم ثَالِثٌ مَلَسَ وَ هِيَ لَعْلَلْا يَلْصُقُ بِبِنْلِا نَعُ كَلَامِ نَبِ سِنَا نَعُ
ءَا لِي خَلْا نَم هَسْفَنَبْ ءَرْمَلْا بَا جَعَاوْ عَبْتَمْ يَوْهَوْ عَا طَمْ حَشْ

“Учта ҳалок қиладиган нарса бор: 1. Итоат қилинадиган бахиллик. 2. Эргашиладиган ҳавойи нафс. 3. Инсоннинг кибр туфайли ўз-ўзидан ажабланиши”.

Аллоҳ таолога муқарраб бўлган орифум биллоҳларнинг қалблари каби рўза тутадиган қалб борми ўзи?

Орифум биллоҳларнинг рўза тутишларида

Оламлар Роббисига жуда қаттиқ муштоқлик бордир.

Ҳар лаҳзада рўзадир қалблари,

Истифорга тўладир саҳарлари.

Аллоҳим барчаларимизни Сиротум мустақимингга бошлагин. Эй оламлар Роббиси бизларни имонда собит қилгин! Амийн!.

Ғиёсиддин Ҳабибуллоҳ